

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 28 (989) • 2014-yil, 11-iyul, juma



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июль куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Аҳмет Давутғлини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Туркияни азалдан нафақат маданиятимиз, тилимиз ва маънавиятимиз муштараклиги, балки савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик боғлаб туриши қайд этилди.

А.Давутғли самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркия раҳбарияти номидан Президентимиз ва халқимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор этди. Туркия икки томонлама муносабатларни мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган узоқ даражага кўтариш тарафдори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Туркия Ўзбекистоннинг ташқи савдо бўйича энг йирик беш ҳамкоридан биридир. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси 1 миллиард 347 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2012 йилга нисбатан 10,5 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Туркия сармояси иштирокида 485 корхона фаолият юритмоқда.

Сўхбат чоғида маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлар алмашишни ривожлантиришдан ҳар икки томон манфаатдор экани қайд этилди. Туркия делегацияси ташриф доирасида Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хивада бўлиб, бу бордаги ҳамкорликнинг истиқболига гувоҳ бўлиши мумкин.

Учрашувда айрим минтақавий ва халқаро муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА

Муҳим палладаги

устувор вазифалар муҳокамаси

Пленум

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг XII Пленуми бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда дастлаб Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги» қарори ва ундан келиб чиқадиган партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.



— Истиқлолимизнинг ўтган 23 йили том маънода муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида жамиятимизнинг барча жабҳаларида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, халқроқ ҳамжамиятда давлатимиз нуфузининг юксалтириш ва энг муҳими тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамиятини куриш даври бўлди. — деди партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров. — Президентимиз ташаббуси билан бу йилги байрамни

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида кутиб олаётганимиз замирида, туб моҳиятида ҳам мустақилликнинг нақадар улғунезмат эканлиги, шу улғунезмат Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек, улғунезмат мақсад мужассамдир.

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида сўнгги йилларда демокра-

тик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш сари амалга оширилаётган ислохотларда нодавлат нотижорат ташкилотларига кенг роль берилаётгани, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

2 >

Истиқлол

элимнинг мангу байрами

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдида

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу йилги умумхалқ байрами «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган шioriни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари руҳида ўтади.

2 >

Мустақиллик

тадбиркорга кенг имконият берди



Эътироф

Истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор жамиятимизни тараққий эттириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу соҳада давлатимиз томонидан яратилган энгиллик ва имтиёзлар аёлларни ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлариغا имкон бермоқда. Аяниқса, бугун тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчилар учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, уларни расмийлаштиришда йўлга қўйилган энгиллик ва қулайликлар алоҳида эътиборга моликдир.

8 >



Янги марраларга чорлайди

Муносабат

Президентимиз Ислам Каримов Фарғона вилоятига ташрифи чоғида фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот ўтказиб, бу соҳада олиб борилаётган ишларга атрофлича баҳо берди ва навбатдаги муҳим вазифаларга тўхтади. Юртбошимизнинг самимий сўзларини телевизор орқали тинглар эканман, ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимиз кўз ўнгимдан ўтади.

3 >

Женисбек ПИЯЗОВ:

«Юртимизга хаваслари ортаверсин»

Мамлакатимиз раҳбари биз истеъдодли фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак, дея таъкидлаганди. Дарҳақиқат, ёшларга дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде юртимиздагидек алоҳида эътибор, рағбат ва кўмак кўрсатилмасе керак. Бунда, биринчи навбатда уларнинг маънавий камолотига катта эътибор қаратилаяпти. Зеро, сир эмаски, маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳиятини англаб етиши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Ана шундай ёшлардан бири Қорақалпоғистон Республикасида хизмат

Таҳририят меҳмони



кўрсатган артист, бир қатор миллий ва халқаро тановлар фолиби, умидли хонанда Женисбек Пиязовдир. Куни кеча Ўзбекистон «Адолат» СДП сафига қўшилган ёш санъаткор билан унинг ижодий ва партиявий фаолияти, келгусидаги режалари ҳақида сўхбат қурдик.


5 >

Ҳудудий партия ташкилотларида

Партиянинг мустаҳкам пойдевори

БПТ — партия таянчи

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида БПТни бош таянчимиз, деб биламиз. Ҳақиқатан ҳам партия ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот қилиш, дастурий вазифаларини амалга ошириш, энг муҳими, партия ижтимоий қатлами ҳамда электорати манфаатларини ҳимоялашда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва роли жуда муҳимдир. Бундан ташқари, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва партия кадрлари захирасини шакллантиришда ҳам кўйи бўғиннинг ўрни бекиёсдир.



Айни пайтда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 24 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Улардан 18 таси бюджет ташкилотларида, 6 таси фермер хўжалигида ташкил этилган. Жумладан, туман Марказий шифохонаси қошида фаолият олиб борувчи бошланғич партия ташкилотлари аъзолари партия дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқда. Ташкилот яқинда тузилганига қарамай, унинг атрофида жипслашган 75 нафар аъзолар аллақачон ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб улгуришди. Айниқса, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган тадбирларда, маҳаллалар ва таълим муассасаларида ўтказилаётган "Саломатлик" акциялари ҳамда тиббий кўрикларда БПТ аъзолари фаоллик кўрсатишмоқда.

БПТ аъзоларининг асосий қисмини шифокорлар, мурабийлар, ишчи-хизматчилар ҳамда ҳудуд аҳолиси ташкил этади. — Бугунги кунда вилоятимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни воёга етказиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳисса қўшиб келаётган жамоамизнинг бир гуруҳ серғайрат, ташаббускор шифокорлари Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган. Ҳаммаи туман тиббиёт, бирлашмаси раҳбари Незмат Арслонов. — Уларнинг шижоати, изланишлари билан партия дастури ва унда белгиланган вазифаларнинг амалда бажарилишига ҳаракат қилаямиз. Жумладан, ўтган йилда аъзолар ҳамда шифохона ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини кучайтириш, ёшларни ОИТС, гиёҳвандлик каби турли салбий иллатлардан ҳимоялаш, уларнинг саводхонлигини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. "Гиёҳвандлик — умр заволи", "Эл соғлиги — юрт бойли-

ги", "Ёшлар — ёт ғояларга қарши" каби тадбирлар шулар жумласидан. Айниқса, БПТ томонидан ўтказилган "Ватанпарвар ёшлар — юрт таянчи" мавзусидаги давра суҳбати асосан ёшлар иштирок этгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Биринчи тадбирда ёшларнинг турли зарарли оқимлар, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. БПТ иш режасида янги қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг Қарор ва Фармонлари, ҳукумат қарорлари, партия ташкилотлари пленумларида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш борасидаги вазифалар ҳам ўрин олган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида бу борда ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида БПТ томонидан махсус режа ишлаб чиқилиб, мутахассислар жалб қилиниб, тадбир, давра суҳбати ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг аҳоли билан учрашувлари мунтазам равишда ташкил қилинаётгани уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитибгина қолмасдан, мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан чуқурроқ танишиш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, кўйи бўғинлар сиёсий партиянинг асосий негизи, бош таянч экан, улар фаолиятини жонлантириш ва ишини такомиллаштириш бугунги ислохотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Шу нуктага назардан партиянинг Ўрта Чирчиқ туман кенгаши томонидан БПТлар фаолиятига жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, туман Марказий шифохонаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятини янада такомиллаш-

тириш, ташаббускорлик ва фаоллигини оширишга доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан совға қилинган қурилмаларнинг Марказий шифохонага ўрнатилгани шифокорларга, қолаверса, туман аҳолисига катта қулайликлар яратди. 2 КВТ қувватга эга қурилмадан жаррохлик ва реанимация бўлимида захира энергия сифатида самарали фойдаланиб келинмоқда. БПТ аъзолари томонидан ҳудуддаги партия электоратини ўйлантираётган муаммо ва камчиликлар изчил ўрганиб борилади. Хусусан, аҳоли ва партия ижтимоий қатлами вакилларидан соғлиқни сақлаш, транспорт ва йўл ҳамда коммунал хизмат каби соҳаларда бошланғич партия ташкилотига келиб тушган муурожаатлар юзасидан партия туман кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Юқорида қайд этилган бу каби амалий ишлар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастурида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашда кўйи бўғинлар партия фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучга айланишга интилаётганидан дарак беради.

Абдувайит Тўраев, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Муҳим сиёсий курашлар олдида

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Ховос туманида «Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида сиёсий ўқув ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши масъул ходимлари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда БПТ етакчилари ўзаро кизгин мунозараларга қиршидилар, фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Ўқувда бир қатор қонунлар, хусусан, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасида айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун, Конституциянинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда сайлов тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий асосларининг мустаҳкамланиши сайловларнинг очиклиги ва ошқоралигини, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг му-

ҳим кафолати тўғрисида фикр юритишди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси Аъзам Ибодуллоев миллий сайлов тизимини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакли ва усуллари ҳақида сўз юритар экан, сиёсий партиялар мамлакатимизда муҳим стратегик вазифаларни белгилаб олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. — Ҳаммамизга яхши маълумки, сиёсий партия давлат ва жамият ҳаётига реал таъсир этувчи кучга айланиши учун, албатта, у сайловларда муносиб иштирок этиши керак. Демак, биз бу йилги сайловларга ҳар йилгидан кўра



жиддийроқ тайёргарлик кўришимиз керак, — деди у. — Сайловнинг асосий вазифаси халқ хоҳиш-иродасини намоян этишга имкон бериш ва ҳокимият органларининг самарали фаолият олиб боришига, унинг такомиллашувига эришишдан иборат. Кейинги беш йилда мамлакатимиз ҳаёти қандай бўлиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, қандай қонунлар қабул қилиниши шу сайлов натижаларига қўйилган таъкиддир. Демак, сайловда нафақат сиёсий партиялар, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши талаб этилади. Шундай экан, биз сайловга тайёр-

гарлик жараёнида бу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади. — Сиёсий ўқув жуда қизиқarli ўтди. Айниқса, қонунчиликдаги ўзгаришлар, сайлов жараёнлари, сайлов тизими ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларнинг сиёсий билимларини янада бойитди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ф.Райимназаров. — Хусусан, Бош Қоммунизмнинг 103-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим

ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этилиши, улар бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилгани ҳар бир сиёсий партиянинг нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, балки маҳаллий Кенгашларда ҳам кўпроқ ўринларни эгаллашдан манфаатдорлигини оширади. Тадбир сўнггида давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг сиёсий партиялар воситасида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари хусусида фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгашида бошланғич партия ташкилоти яна биттага қўпайди. Гап шундаки, яқинда партиянинг Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон "Кўзи ожизлар" жамияти Сурхондарё вилоят бошқарувида ташкил этилган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадам" мавзусидаги давра суҳбатидан сўнг, жамият аъзоларининг таклифи билан кўйи бўғин тузилди.

Қалби уйғоқ, шижоатли ва ғайратли хайрихоҳлар

— Партия ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Эргаш Норпўлатов. — Чунки "Адолат" СДП дастури, мақсад ва вазифалари жамиятимиз аъзоларининг кўпчилигида қизиқиш уйғота олган. Қолаверса, улар ҳаётини қарашларида мос. Айниқса, партия мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ислохот ислохот



ли билан тақдирлангани юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бир сўз билан айтганда, жамият аъзоларининг сиёсий онги ва тафаккури, фуқаролик фаоллиги юксалиб бораётди. Давра суҳбатидан сўзга чиққан депутатлар, партия фаоллари Президентимизнинг жорий йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика-

си давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти хусусида гапирганда бу янада яққолроқ намойён бўлди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётини йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш борасида эришилган ютуқ ва марраларни аниқ миқдорларда таҳлил этишди. Дарвоқе, қалби уйғоқ, юртимиз истиқболи йўлида бор шижоати, ғайрати, ташаббускорлиги билан муносиб ҳисса қўшман, деган хайрихоҳлар ҳисобига тузилган маъруза бошланғич партия ташкилотига Э.Норпўлатов етакчилик қилаётган бўлди.

Райхон ЖУМАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Партиянинг Баҳмал туман кенгаши ташаббуси билан "Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

БПТ раислари, депутатликка номзодлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши раиси А.Мирзақобилов таъкидлаганидек, давра суҳбатини ўтказишдан мақсад партия ходимлари ва фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш, уларнинг ташаббускорлигига эришишдан иборат. Алоҳида эътибор этилганидек, кўйи бўғинларнинг бугунги фаолияти замон талабларига жавоб бермайди. Олдинда муҳим сиёсий жараёнлар турган бир пайтда БПТ аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, ташаббускорлигини кучайтириш талаб этилади. Вақоланки, туманда ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маориф, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тизимлар ходимларини партия сафига жалб этиш учун катта имкониятлар мавжуд. Давра суҳбати давомида айрим БПТларида учраётган камчиликлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари хусусида ҳам сўз борди.

Улуғбек ЗУФТАРОВ

